ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

2020 ЙИЛ
ЯНВАРЬ–МАРТ

Гулистон – 2020 й.

СЎЗ БОШИ

Сирдарё вилоятининг статистик ахборотномаси вилоятнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Вилоят статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2020 йил январь–март ойлари якунлари бўйича Сирдарё вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I–чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

МУНДАРИЖА

Номи		бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР		5
I.	ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	6–9
II.	САНОАТ	10–20
III.	ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	21–35
IV.	ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ	36–49
V.	КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	50–58
VI.	КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК	59–72
VII.	КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	73–91
VIII.	ХИЗМАТЛАР	92–103
IX.	ТРАНСПОРТ	104–111
X.	ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ	112–116
XI.	ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ	117–132
XII.	ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ	133–139
XIII.	ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	140–143

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи ҳудудий маҳсулот	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
%.	–	фоиз	м.	–	марта
млрд.	–	миллиард	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.	–	миллион	га	–	гектар
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	т	–	тонна
минг.	–	минг	дона	–	дона
кв.	–	квадрат	йўловчи/км	–	йўловчи–километр
км	–	километр	Мбит/с	–	Мегабит /сония
м	–	метр	1), 2), 3).....	–	изоҳнинг мавжудлиги

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
(2020 йил январь–март)

	Млрд. сўм	*2019 йил январь–мартига нисбатан % ҳисобида*
Ялпи ҳудудий маҳсулот	2025,2	102,5
Саноат маҳсулоти	2042,0	103,3
Истеьмол товарлари	587,6	108,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) лари	811,4	102,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1061,4	137,7
Қурилиш ишлари	293,4	101,1
Юк айланмаси *(млн. т/км)*	39,8	100,6
Йўловчи айланмаси (*млн. йўловчи/км)*	554,3	102,7
Чакана савдо товар айланмаси	758,5	101,3
Хизматлар, жами	728,2	113,9
Ташқи савдо айланмаси, *(млн. АҚШ. долл)*	98,3	67,7
Экспорт	27,2	105,1
Импорт	71,1	59,6
Сальдо *(+,–)*	-43,9	x

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 2025,2 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,5 фоизни ташкил этди.

2020 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 107,2 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2388,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,5 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади (январь-март ойлари)

	млрд.сўм		*2019 йил январь-мартига нисбатан % ҳисобида*
	2019 йил	*2020 йил*	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**1843,0**	**2025,2**	**102,5**
шу жумладан:			
тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1641,4	1944,0	102,5
маҳсулотларга соф солиқлар	201,6	81,2	102,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**1641,4**	**1944,0**	**102,5**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	**419,2**	**468,9**	**102,9**
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	**682,0**	**827,0**	**102,9**
саноат	573,6	695,1	103,3
қурилиш	108,4	131,9	101,2
Хизматлар	**540,2**	**648,1**	**101,7**
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	116,5	125,3	95,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	82,4	96,7	107,0
бошқа хизматлари	341,3	426,1	102,5

ЯҲМ таркибида асосий тармоқларнинг 2019 йил январь-март ойларига нисбатан энг юқори ўсиш суръатлари ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (107,0 %), саноат (103,3 %) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (102,9 %) соҳаларида кузатилди.

ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан % ҳисобида)

2019 йил январь-март



2020 йил январь-март



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Ялпи қўшилган қиймат
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат
- Қурилиш
- Хизматлар

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,9 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 24,1 фоиз), саноат – 103,3 фоиз (35,8 фоиз), қурилиш – 101,2 фоиз (6,8 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 107,0 фоиз (5,0 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 102,5 фоиз (21,9 фоиз) ни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(январь–март ойлари, жамига нисбатан фоизда)

	2019 йил	*2020 йил*	*Фарқи (+ ; –)*
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**100,0**	**100,0**	**0,0**
шу жумладан:			
тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	89,1	96,0	6,9
маҳсулотларга соф солиқлар	10,9	4,0	-6,9
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**100,0**	**100,0**	**0,0**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	25,5	24,1	-1,4
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	41,5	42,6	1,1
саноат	34,9	35,8	0,9
қурилиш	6,6	6,8	0,2
Хизматлар	33,0	33,3	0,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	7,1	6,4	-0,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	5,0	5,0	0,0
бошқа хизматлари	20,9	21,9	1,0

2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМ таркибида саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 42,6 фоизни ташкил қилиб, 2019 йилнинг январь-мартига (41,5 фоиз) нисбатан 1,1 пунктга кўпайди. Жумладан, саноат соҳаси 0,9 пунктга, қурилиш соҳаси 0,2 пунктга кўпайиб ҳисобот даврида мос равишда 35,8 ва 6,8 фоизни ташкил қилди.

Ўз навбатида, хизматлар соҳаси 2019 йилнинг январь–мартига нисбатан 0,3 пунктга кўпайиб ҳисобот даврида 33,3 фоизни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг бошқа тармоқлари 1,0 пунктга кўпайиб, ҳисобот даврида 21,9 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари ўзгармагани ҳолда, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,7 пунктга камайиб, ҳисобот даврида мос равишда 5,0 ва 6,4 фоизни ташкил қилди.

2020 йил январь-мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ нинг ўсиш суръатлари



ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 59,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2019 йил январь-марти (59,3 фоиз) га нисбатан ўзгармади.

2020 йил январь–мартида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси



II. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йил январь–март ойларида вилоят корхоналари томонидан 2042,0 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 103,3 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 43,1 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига қўшган ҳиссаси 0,1 %), ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 9,8 % га (1,6 %) ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 3,1 % га (1,6 %) ўсиши ҳисобланади. Шунинглек, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг 20,7 % га (0,004 %) пасайганни кузатиш мумкин.

Январь-март ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан %)

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2,5 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,1 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 79,3 % ни этганни кузаташ мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 988,9 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 48,4 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғининг улуши 6,0 % ни (2019 йил январь–март ойларида 4,9 %), ўрта-юқори технологияли 4,1 % ни (5,2 %), ўрта–қуйи технологияли 11,4 % ни (8,3 %) ва қуйи технологияли 78,5 % ни (81,6%) ташкил этди.

Ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да

(январь-март ойлари)



Ўз навбатида саноатнинг мазкур тармоғида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан буғдой ва буғдой-жавдар уни, чакана савдо учун қадоқланган, фармацевтик моддалар билан қопланган ёки шимдирилган пахта, бинт ва шу каби материаллар, этилен полимерларидан қоплар ва сумкалар (жумладан конус шаклидаги) ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кўпайган бўлса йўл қопламалари учун асфальтли аралашмалар, чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип ва ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан пасайганлигини кузатиш мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Ўлчов бирлиги	*2020 йил январь-март*	*2019 йил январь-мартига нисбатан, % да*
Йўл қопламалари учун асфальтли аралашмалар	*минг тн*	12,5	71,3
Соапстоклар (нейтраллаш жараёни маҳсулоти)	*тн*	0,6	0,2
Дон экинларини қайта ишлашдан ҳосил бўлган кепак, чигит ва бошқа чиқиндилар	*минг тн*	3,8	123,1
Йирик шохли қорамоллар учун тайёр озуқа (кўп компонентли аралашмалардан ташқари)	*минг тн*	9,9	170,7
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	*тн*	650,4	69,0
Ёғоч целлюлозаси ва бошқа толали материаллардан олинган целлюлоза	*кг* 90% с.в.	463435,0	112,0
Қурилиш учун қоришмалар ва аралашмалар	*минг тн*	5,2	-
Чакана савдо учун қадоқланган, фармацевтик моддалар билан қопланган ёки шимдирилган пахта, бинт ва шу каби материаллар	*тн*	220,0	146,5
Арақ	*минг л 100% спирт*	61,9	87,7
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	*минг тн*	12,0	124,1
Этилен полимерларидан қоплар ва сумкалар (жумладан конус шаклидаги)	*минг тн*	3,6	181,6

Шу билан бирга, охирги 5 йилнинг тегишли даврлари мобайнида йўл қопламалари учун асфальтли аралашмалар энг кўп ишлаб чиқариш 2019 йилнинг январь-март ойларига тўғри келмоқда (2016 йил – 9,5 минг тонна, 2017 йил – 3,6 минг тонна, 2018 йил– 5,8 минг тонна, 2019 йил – 17,6 минг тонна, 2020 йил – 12,5 минг тонна.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 983,7 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 48,2 % ни) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-март ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 % ни ташкил этганлиги кузатилди.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Ўлчов бирлиги	*2020 йил январь-март*	*2019 йил январь-март ойларига нисбатан, % да*
Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси	*млн.кВт/с*	4375,1	91,2
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	*минг Гкал.*	40,3	80,1

Сўнгги 5 йил ичида ишлаб чиқарилган электр энергияси (ИЭМ ишлаб чиқарган) тақосланганда энг кўп ишлаб чиқариш 2017 йилнинг январь–март ойларига тўғри келмоқда (2016 йил 4,9 млрд.кВтсоат, 2017 йил 5,0 млрд.кВтсоат, 2018 йил 4,8 млрд.кВтсоат, 2019 йил 4,8 млрд.кВтсоат, 2020 йил 4,4 млрд.кВтсоат).

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 66,9 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 3,3 % ни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича хизматлар – 143,1 % га ошганлиги кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2020 йил январь-март ойлари учун)

	Млрд. сўм	*2019 йил январь-март ойига нисбатан, % да*
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш - жами	**2042,0**	**103,3**
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	**2,5**	**79,3**
улардан:		
Тоғ- кон саноатининг бошқа турлари	2,5	79,3
Тоғ-кон саноатидаги техник хизматлар		
Қайта ишлаш саноати	**988,9**	**109,8**
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	245,2	98,5
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	517,4	108,0
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	4,6	112,8
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,1	118,5
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари шлаб чиқариш	61,5	126,1
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	59,4	169,3
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлари шлаб чиқариш	55,1	96,3
Металлургия саноати	1,1	64,3
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	35,9	91,4
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	8,6	114,8
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	**983,7**	**103,1**
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	**66,9**	**143,1**

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан (108,3 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 28,8 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари

(2020 йил январь-март ойлари учун)



2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 60,9 % дан 2020 йил январь-март ойларида 60,3 % га камайиши кузатилди.

Кейинги беш йилнинг тегишли даврларидаги ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни таққослаганда, ушбу кўрсаткичнинг истеъмол товарларининг умумий ҳажмидаги энг катта улуши 2019 йилнинг январь-март ойларига тўғри келмоқда (2016 йил - 45,1 %, 2017 йил – 45,1 %, 2018 йил – 40,8 %, 2019 йил– 60,9 %, 2020 йил –60,3 %.).

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби, % да



Ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқариши

Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Янгиер (2019 йилнинг январь–март ойларига нисбатан 135,6 % га) шаҳри, Сирдарё (132,4 % га), Сайхунобод (127,1 % га), Гулистон (126,6 % га), Мирзаобод (126,5 % га) ҳамда Оқолтин (102,0 % га) туманларида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажм индексининг ўсиши таъминланди.

Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари

(2020 йил январь-март ойларида 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Ширин шаҳри (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 45,7 % улушини) Сирдарё тумани (17,3 %), Гулистон шаҳри (10,3 %) ва Мирзаобод (4,7 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ҳудудларнинг вилоят жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши %

(2020 йил январь-март ойлари)



Шу билан бирга, энг кам улуши Сайхунобод (3,8 %), Оқолтин (3,6 %), Сардоба (2,3 %) ва Ховос (1,8 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми

(2020 йил январь-март ойлари)

	Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда	*2019 йил январь–мартига нисбатан,% да*	*Истеъмол товарлари, млрд.сўмда*	*2019 йил январь–мартига нисбатан,% да*
Сирдарё вилояти	**2042,0**	**103,3**	**587,6**	**108,3**
шаҳарлар:				
Гулистон	209,9	109,1	83,2	85,8
Ширин	935,1	92,8	4,6	90,3
Янгиер	84,1	135,6	30,1	200,4
туманлар:				
Боёвут	81,0	59,6	47,5	42,8
Гулистон	48,4	126,6	14,9	90,5
Мирзаобод	95,1	126,5	59,0	168,8
Оқолтин	73,7	102,0	15,8	101,2
Сардоба	47,9	143,0	14,4	101,2
Сайхунобод	77,7	127,1	39,6	105,1
Сирдарё	352,5	132,5	247,8	146,3
Ховос	36,6	112,6	30,7	116,5

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Ширин шаҳри (50003,6 минг сўм) ва Сирдарё туманида (2745,2 минг сўм) туманида ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (2408,0 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ҳажми ва ўсиш суръатлари

(2020 йил январь-март ойлари учун)



Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Сардоба туманида (2019 йилнинг январь–март ойларига нисбатан 140,4 %), Янгиер шаҳри (132,8 %) ва Сирдарё туманида (129,9 %) кузатилди. Шу билан бирга, Ширин шаҳри (91,9 %) ва Боёвут туманида (58,5 %) ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 11,3 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 36,3 % ташкил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Гулистон (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 84,0 %) шаҳар ҳамда Боёвут (100,0 %), Сайхунобод (69,9 %), Сирдарё (67,6 %) ва Сардоба (65,3 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кам улуш Гулистон (35,5 %), Оқолтин (30,8 %) туманларида ҳамда Ширин (0,6 %) шаҳрида кузатилди.

Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да

(2020 йил январь-март ойлари)



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши

Вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасида киритилган 14 та лойиҳа бўйича 23,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 428,3 минг АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди.

2020 йилнинг январь-март ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш суръати 50,3 % ташкил этган бўлсада, уларнинг экспорти эса 32,5 %га ошганлигини кузатиш мумкин.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари
(январь-март ойлари)

	2019 йил	*2020 йил*
Лойиҳалар сони, *бирлик*	7	14
Корхоналар сони, *бирлик*	7	15
Ишлаб чиқариш ҳажми, *млрд. сўм*	45,9	23,2
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот хажми, *млн. АҚШ долл.*	323,3	428,3
Яратилган янги иш ўринлари, *бирлик*	231	127

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 335,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,7 % ни ташкил этди. Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 15,2 % ни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 16,4 % ташкил этган ҳолда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 бандга кўпайди.

Қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарининг улуши 96,4 % ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналарининг улуши 3,6 % ни ташкил этди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда вилоятда 1862 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 494 таси Гулистон шаҳрига, 317 таси Сирдарё туманига, 178 таси Янгиер шаҳрига, 144 таси Боёвут туманига, 136 таси Ховос туманига, 132 таси Сайхунобод туманига, 127 таси Мирзаобод туманига, 112 таси Оқолтин туманига, 104 таси Гулистон туманига, 73 таси Сардоба туманига ва 45 таси Ширин шаҳрига тўғри келади.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик

(2020 йил январь-март)



Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятда 169 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийиб 33,7 %и Оқолтин туманига, 11,8 %и Гулистон шаҳрига, 10,1 %и Ховос туманига, 9,5 %и Сирдарё туманларига, 7,7 %и Боёвут туманига, 5,9 %и Янгиер шаҳрига, 5,9 %и Сайхунобод туманига, 5,3 %и Мирзаобод туманига, 5,2 %и Гулистон туманига, 3,0 %и Сардоба туманига, ҳамда 1,8 %и Ширин шаҳрига тўғри келади.

III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг умумий ҳажми 811,4 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 102,9 % ни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 705,6 млрд.сўмни (103,1 %), ўрмон хўжалигида – 92,0 млрд.сўмни (102,1%), балиқ хўжалигида – 13,8 млрд.сўмни (103,3 %) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар) ҳажмининг тақсимланиши



Ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)нинг ҳажми



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)нинг ўсиш суръатлари



Ҳудудлар миқёсида юқори ўсиш Мирзаобод (7,0 %) туманида ҳамда Гулистон (6,6 %), Ширин (6,0 %) шаҳарларида ва Ховос (3,2 %) туманларида кузатилди. Вилоят даражаси (2,9 %) га нисбатан паст ўсиш (-33,3 %), Янгиер шаҳарида кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) лар умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Боёвут туманининг улуши 16,3 % ни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда. Шу билан бирга, Сайхунобод ва Сардоба туманлари мос равишда 13,8 % ва 13,1 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Мирзаобод (10,8 %), Оқолтин (9,5 %) ва Ховос (8,7 %) туманларида қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2020 йилнинг январь – март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўсиш суръати 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 103,2 %, чорвачилик маҳсулотлари – 103,0 % ни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида деҳқончилик ва чорвачиликнинг улуши



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши



2020 йилнинг январь-март ойларида 703,0 млрд. сўмга тенг бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ушбу ҳажмнинг 39,4 млрд. сўмга тенг қисми ёки 5,6 фоизи деҳқончилик, 663,6 млрд. сўмга тенг қисми ёки 94,4 фоизи чорвачилик соҳасига тўғри келади.

2020 йилнинг январь–март ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда Гулистон, Сирдарё, Боёвут туманларида асосан деҳқончилик соҳасининг анча ривожланганлигини кўрсатди. Ушбу туманларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 5,4–13,2 фоизини деҳқончилик маҳсулотлари ташкил этади.

Шунингдек, Оқолтин, Сардоба туманларида асосан чорвачилик соҳасининг анча ривожланганлигини кўрсатди. Ушбу ҳудудларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 96,7 –97,4 фоизини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этади.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши

Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 91,5 %и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 5,8 %и – фермер хўжаликларига, 2,7 %и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти улушининг ҳудудлар бўйича хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.

2020 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Гулистон (12,6 %) туманида, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Сайхунобод ҳамда Мирзаобод (мос равишда 95,8 %, 9,3 %) туманларида қайд этилди.

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич эса Сардоба (3,3 %) туманида, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг кам улуши Мирзаобод (83,9 %) туманида ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Боёвут (0,4 %) туманида қайд этилди.

Деҳқончилик

2020 йилнинг январь–март ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 39,4 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 % ни ташкил этиб, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 5,6 % ни ташкил қилди.

2020 йилнинг январь-март ойларида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*шу жумладан:*					
			фермер хўжаликлари		*деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	тонна	*ўсиш суръати %*	*тонна*	*ўсиш суръати %*	*тонна*	*ўсиш суръати %*	*тонна*	*ўсиш суръати %*
Сабзавотлар	1221	102,7	178	109,9	956	104,0	87	80,6

Ҳосилни йиғиб олиш. 2020 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда 1221 тонна (102,7 %) сабзавот йиғиб олинди.



2020 йилнинг январь–март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1221 тонна сабзавот (2019 йилнинг январь–мартига нисбатан 2,7 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сабзавот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, сабзавот маҳсулотини умумий хажмидан 78,3 %и деҳқон (шахсий ёрдамчи) ёрдамчи хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.

Чорвачилик

2020 йилнинг январь–март ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 663,6 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,0 % ни ташкил этиб, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 94,4 % ни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*шу жумладан:*					
			фермер хўжаликлари		*деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	Миқ-дори	*ўсиш суръати, %*	*Миқ-дори*	*ўсиш суръати, %*	*миқ-дори*	*ўсиш суръати, %*	*миқ-дори*	*ўсиш суръати, %*
Гўшт тирик вазнда, *тонна*	13930	103,5	248	102,1	13293	101,7	389	262,8
Сут, *тонна*	51169	102,0	1681	105,2	47902	101,5	1586	118,1
Тухум, *минг дона*	34967	104,7	485	102,8	28666	102,7	5816	115,8
Жун, тонна	99	100,0	16	100,0	79	102,6	4	66,7
Балиқ, тонна	1000	104,2	256	107,1	41	100,0	703	103,4

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, тирик вазндаги гўштнинг умумий ҳажмидан 95,4 % деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим, шунингдек сутнинг 93,6 %, тухумнинг 82,0 %, жуннинг 79,8 % ҳам деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.



2020 йилнинг январь–март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 13930 тонна гўшт (2019 йилнинг январь–мартига нисбатан 3,5 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Гўшт ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, гўшт маҳсулоти умумий хажмидан 95,4 %и деҳқон (шахсий ёрдамчи) ёрдамчи хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.



2020 йилнинг январь–март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 51169 тонна сут (2020 йилнинг январь–мартига нисбатан 2,0 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Сут ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, сут маҳсулоти умумий хажмидан 93,6 %и деҳқон (шахсий ёрдамчи) ёрдамчи хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.



2020 йилнинг январь–март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 34967 минг дона тухум (2019 йилнинг январь–мартига нисбатан 4,7 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Тухум ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, тухум маҳсулоти умумий хажмидан 82,0 %и деҳқон (шахсий ёрдамчи) ёрдамчи хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.



2020 йилнинг январь–март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1000 тонна балиқ (2019 йилнинг январь–мартига нисбатан 4,2 % га кўп) ишлаб чиқарилди. Балиқ овлаш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, овланган балиқ маҳсулоти умумий хажмидан 70,3 %и қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим.

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига хўжаликлар тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*шу жумладан:*					
			фермер хўжаликлари		*деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	бош	*ўсиш суръати, %*	*бош*	*ўсиш суръати, %*	*бош*	*ўсиш суръати, %*	*бош*	*ўсиш суръати, %*
Йирик шохли қорамоллар	414748	104,6	23425	105,4	384790	104,5	6533	108,3
шу жумладан сигирлар	138372	103,1	7869	101,3	128639	103,3	1864	100,0
Қўй ва эчкилар	287766	100,4	26661	101,5	257310	100,3	3795	100,0
Паррандалар минг бош	2254,1	116,8	128,6	96,3	1445,0	100,5	680,5	189,7

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 414748 бошга, шу жумладан сигирлар – 138372 бошга, қўй ва эчкилар – 287766 бошга, паррандалар – 2254,1 минг бошга етди.

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қора молларнинг 5,6 %и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 92,8 %и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,6 %и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.



2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига сигирлар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, сигирларнинг 5,7 %и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 93,0 %и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,3 %и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.



2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига қўй ва эчкилар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, қўй ва эчкиларнинг 9,3 %и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 89,4 %и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,3 %и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.



2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига паррандалар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, паррандаларнинг 5,7 %и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 64,1 %и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 30,2 %и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим.

IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

2020 йилнинг январь-март ойларида Сирдарё вилоятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1061,4 млрд. сўм, (доллар эквивалентида 111,4 млн. АҚШ долл.) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 137,7 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестициялар йиллар бўйича динамикасини кузатадиган бўлсак, 2005 йилда – 0,05 трлн. сўм ёки 6,9 % ўсишни, 2010 йилда – 0,4 трлн. сўм ёки 66,2 % ўсишни, 2015 йилда – 1,0 трлн. сўм ёки 2,5 % ўсишни ташкил этган.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари (% да)



2020 йилнинг январь-мартида жами асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, вилоятнинг 5 (беш) та ҳудудида, жумладан, Гулистон (8,8 %), Ширин (28,9%) шаҳарларида ҳамда Сирдарё (15,2 %), Ховос (12,1 %) ва Мирзаобод (8,2 %) туманларида ўзлаштирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари Ширин (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 10,1 марта кўп, асосий капиталга инвестициялар ҳажми 307,1 млрд. сўм), Янгиер (141,8 %, 48,3 млрд. сўм) шаҳарлари ҳамда Сардоба (163,1 %, 88,0 млрд. сўм), Ховос (125,1 %, 128,2 млрд. сўм), Мирзаобод (131,6 %, 99,8 млрд. сўм) ва Сирдарё (152,6 %, 161,3 млрд. сўм) туманларида кузатилди.

Аҳоли жон бошига киритилган инвестициялар ҳажми, минг сўм
(2020 йил январь-март ойларида)



Аҳоли жон бошига киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари %да
(2020 йил январь–март ойларида)



2020 йилнинг январь-мартида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Ширин (16422,5 минг сўм, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 10,0 марта кўп), Янгиер (1110,3 минг сўм, 138,8 %.) шаҳрларида ҳамда Сирдарё (1256,2 минг сўм, 150,3 %), Ховос (1341,0 минг сўм, 122,7 %), Мирзаобод (1357,8 минг сўм, 127,6 %) ҳамда ва Сардоба (1333,3 минг сўм, 160,1 %) туманларида қайд этилди.

2020 йилнинг январь-мартида асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши

	Млрд.сўм	*Ўсиш суръати % да*	*Жамига нисбатан % да*
Асосий капиталга инвестициялар	**1061,4**	**137,7**	**100**
шу жумладан:			
Марказлашган инвестициялар	**334,8**	**70,5**	**31,5**
бюджет маблағлари	29,4	32,8	2,8
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	300,3	517,7	28,2
Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	5,1	-	0,5
Марказлашмаган инвестициялар	**726,6**	**116,5**	**68,5**
корхона маблағлари	161,3	78,6	15,2
аҳоли маблағлари	45,9	76,5	4,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	254,8	964,4	24,0
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	264,6	79,6	25,0

Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, *% да*



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажмининг 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 2,3 марта кўп бўлиб, 334,8 млрд. сўмга етди. Жами инвестициялар ҳажмида эса марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажмининг улуши 31,5 % (2019 йил январь-мартида 19,2 %) ни ташкил қилди.

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган инвестициялар 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 116,5 % ни ташкил этиб, 726,6 млрд. сўмга етди. Жами инвестициялар ҳажмида эса марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажмининг улуши 68,5 % (2019 йил январь-мартида 80,8 %) ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари таркиби %да



2020 йилнинг январь–март ойларида ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар улуши 50,4 пунктга кўпайди.

2020 йилнинг январь–март ойлари давомида Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар юқори ўсиш суръатларига эришишига асосий сабаб бўлиб *“Сирдарё ИЭС” АЖда* йирик лойиҳанинг амалга оширилиши ҳисобланади.

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари таркиби % да



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан тўғридан–тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 35,1 %) ҳамда тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (36,4 %) ҳисобига тўғри келди

Тўғридан–тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига қуйидаги йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди:

Сардоба туманида «Индорама Агро» МЧЖ ҚК томонидан 2020 йил 1-чораги давомида 10 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, шундан 7,5 млн. АҚШ доллар миқдорида асосий капиталга йўналтирилган.

Янгиер шаҳрида «INTERGREYN» МЧЖ ҚК томонидан 2020 йил 1-чораги давомида 2,0 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, асосий капиталга йўналтирилган.

Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби

	Жами инвести-циялар, млрд.сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:						
		Республика бюджети	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	Корхона ва аҳоли маблағи	Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	Хорижий инвестиция ва кредитлар	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси
Сирдарё вилояти	**1061,4**	**29,4**	**5,1**	**207,1**	**264,7**	**555,1**	**-**	**-**
шаҳарлар								
Гулистон	93,9	16,8	-	36,1	34,8	6,1	-	-
Ширин	307,1	-	-	6,2	3,5	297,4	-	-
Янгиер	48,3	-	-	10,4	5,6	32,2	-	-
туманлар								
Боёвут	25,1	1,2	-	12,4	5,4	6,2	-	-
Гулистон	28,2	1,1	-	6,3	10,8	10,0	-	-
Мирзаобод	99,8	4,3	-	8,2	37,5	49,8	-	-
Оқолтин	27,7	0,2	5,1	4,5	17,9	-	-	-
Сардоба	88,0	1,4	-	13,2	1,9	71,5	-	-
Сайхунобод	53,8	0,5	-	11,9	27,6	13,7	-	-
Сирдарё	161,3	0,2	-	76,6	78,5	6,0	-	-
Ховос	128,2	3,6	-	21,2	41,2	62,1	-	-

Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби
(*2020 йил январь-март*)

	Жами	*Давлат*	*Нодавлат*
Жами, *млрд. сўм*	**1061,4**	**54,5**	**1006,9**
шу жумладан жамига нисбатан % да:			
Қурилиш – монтаж ишлари	30,7	71,6	28,5
Машина, ускуна, инвентар	66,2	22,3	68,5
Бошқа харажатлар	3,1	6,1	3,0

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: вилоят бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 30,7 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар – 66,2 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши – 3,1 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар

	Млрд.сўм	*Жамига нисбатан % да*	
		Январь-март 2020 й.	*Январь-март 2019 й.*
Асосий капиталга инвестициялар - жами	**1061,4**	**100**	**100**
шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	229,5	21,6	24,9
Тоғ - кон саноати			
Ишлаб чиқариш саноати	336,7	31,7	30,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	301,9	28,4	23,7
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	9,2	0,9	1,2
Қурилиш	20,3	1,9	2,3

	Млрд.сўм	Жамига нисбатан % да	
		Январь-март 2020 й.	Январь-март 2019 й.
Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш	52,4	4,9	3,5
Ташиш ва сақлаш	28,5	2,7	4,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича ҳизматлар	4,1	0,4	1,2
Ахборот ва алоқа	2,6	0,2	0,9
Молия ва суғурта фаолияти	2,8	0,3	0,8
Профессионал, илмий ва техник фаолият	0,8	0,1	1,1
Таълим	7,4	0,7	1,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	9,9	0,9	1,5
Саънат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳаси	0,9	0,1	-
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	31,6	3,0	0,4
Бошқа фаолият турлари	22,8	2,2	2,2

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: ишлаб чиқариш саноатида 336,7 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 31,7 %), шу жумладан электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 301,9 млрд. сўм, (28,4 %), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 9,2 млрд. сўм, (0,9 %), қурилиш фаолияти турида 20,3 млрд. сўм (1,9 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 28,5 млрд. сўм (2,7 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш фаолият турида 52,4 млрд. сўм (4,9 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 2,6 млрд. сўм (0,2 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 0,8 млрд. сўм (0,1 %), таълим соҳасида 7,4 млрд. сўм (0,7 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 31,6 млрд. сўм (3,0%) инвестициялар ўзлаштирилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича
асосий капиталга инвестициялар таркиби, % да
(2020 йил январь-март)



Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби



Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2020 йилнинг январь-мартида 555,1 млрд. сўм ёки 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 6,6 марта кўп асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 52,3 % ни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Ширин (53,6 %), Янгиер (5,8 %) шаҳарларида ҳамда Ховос (11,2 %), Сардоба (12,9 %) туманларида кузатилди.

Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қўшган ҳолда

	Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм		*Хорижий инвестициялар, нисбатан % да*	
	жами	*шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар*	*жамига*	*шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар*
Сирдарё вилояти	**555,1**	**203,5**	**100**	**100**
шаҳарлар				
Гулистон	6,1	4,4	1,1	2,2
Ширин	297,4	-	53,6	-
Янгиер	32,2	31,0	5,8	15,2
туманлар				
Боёвут	6,2	6,2	1,1	3,0
Гулистон	10,0	-	1,8	-
Мирзаобод	49,8	8,5	9,0	4,2
Оқолтин	-	-	-	-
Сардоба	71,5	71,5	12,9	35,2
Сайхунобод	13,7	13,7	2,5	6,7
Сирдарё	6,0	6,0	1,1	2,9
Ховос	62,2	62,2	11,1	30,6

Хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш (млн. АҚШ долл.)



Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 59,6 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 26,7 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларни, ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 44,8 % ташкил этди.

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2020 йилнинг январь–мартида 254,7 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,6 марта кўп кўрсаткичга эришилди.

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби



Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоғининг жамига нисбатан улуши 53,4 % ни ташкил этди, шунингдек, қайта ишлаш саноати фаолияти хорижий инвестицияларнинг умумий хажмида тутган улуши 28,6 %ни ташкил этди.

Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

Жами асосий капиталга инвестицияларда турар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар 31,6 млрд. сўмни ёки жами инвестициялар ҳажмида 3,0 % ни ташкил этди.

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш
(2020 йил январь–март)

	Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан:			
	Ишга туширилди		*2019 йил мос даврига нисбатан % да*	
	жами	*жумладан қишлоқ жойларда*	*жами*	*жумладан қишлоқ жойларда*
Турар жойлар умумий майдони, *минг кв.м.*	**25,9**	**17,2**	**58,2**	**72,3**
улардан:				
якка тартибдаги турар жойлар	25,9	17,2	80,7	150,9
намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар	-	-	-	-
Касалхоналар, *ётоқ*	-	-	-	-
Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), *қатнов*	-	-	-	-
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, *ўқувчи ўрни*	-	-	-	-
Умумтаълим ва ихтисослаш-тирилган мактабларни капитал тамирлаш, бирлик	-	-	-	-
Сув тармоғи, *км*	-	-	-	-
Газ тармоғи, *км*	-	-	-	-

2020 йилнинг январь–мартида умумий майдони 25,9 минг кв.м (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 58,2 %) бўлган 151 та хонадонга эга 151 та турар жойлар, жумладан 17,2 минг кв.м. (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 72,3 %) қишлоқ жойларда ишга туширилди.

Ишга туширилган турар жойлар
(2020 йил январь–март ойлари)

	Ишга туширилди, жами		*улардан: якка тартибдаги турар жойлар*	
	минг кв.м	*2019 йил январь-мартига нисбатан % да*	*минг кв.м*	*2019 йил январь-мартига нисбатан % да*
Сирдарё вилояти	**25,9**	**58,2**	**25,9**	**80,7**
шаҳарлар				
Гулистон	4,3	27,9	4,3	27,9
Ширин	0,1	19,1	0,1	19,1
Янгиер	0,8	53,2	0,8	53,2
туманлар				
Боёвут	1,5	46,3	1,5	81,6
Гулистон	2,2	21,8	2,2	100,6
Мирзаобод	0,9	25,1	0,9	41,7
Оқолтин	1,2	139,5	1,2	139,5
Сардоба	1,6	104,0	1,6	104,0
Сайхунобод	0,2	8,0	0,2	16,5
Сирдарё	12,0	257,3	12,0	257,3
Ховос	1,1	106,6	1,1	300,8

Жорий даврда якка тартибда қурилган турар жойлар умумий майдони 25,9 минг кв.м.ни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 80,7 % ни ташкил этди.

Қурилиш ишлари

2020 йилнинг январь–мартида 293,4 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101,1 % ни ташкил этди.

Қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати



Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари Ховос (105,2 %), Сирдарё (103,9 %), Оқолтин (103,6 %) ва Гулистон (103,1 %) туманларида кузатилди.

Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари

	Жами, млрд.сўм	*шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да*	
		давлат	*нодавлат*
Вилоят бўйича:	**293,4**	**5,4**	**94,6**
шаҳарлар			
Гулистон	99,9	-	-
Ширин	14,0	-	-
Янгиер	24,9	-	-
туманлар			
Боёвут	23,3	-	-
Гулистон	15,0	-	-
Мирзаобод	24,3	-	-
Оқолтин	22,2	-	-
Сардоба	9,1	-	-
Сайхунобод	9,6	-	-
Сирдарё	31,3	-	-
Ховос	19,8	-	-

Иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги қурилиш ишлари ҳажми 2019 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 0,1 пунктга кўпайди. Вилоят бўйича жами қурилиш ишларида нодавлат секторининг улуши 94,6 % ни ташкил этган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми

(млрд. сўм)

Жами қурилиш ишларидан 70,1 % ини янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантириш ишларига тўғри келади, шунингдек, 29,9 % ини капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ташкил этди.

Ҳисобот даврида бино ва иншоотлар қурилиши бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 212,5 млрд. сўм (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 104,5 %)ни, мос равишда, фуқаролик қурилиши объектлари бўйича қурилиш ҳажми 47,2 млрд. сўм (85,9 %)ни, ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми 33,7 млрд. сўм (105,0 %) ни ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми

(*млрд. сўм*)

	Қурилиш ишлари, хизматлар жами	***шу жумладан иқтисодий фаолият турлари:***		
		Бино ва иншоотлар қурилиши	***Фуқаролик қурилиши объектлари***	***Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари***
Вилоят бўйича:	**293,4**	**212,5**	**47,2**	**33,7**
шаҳарлар				
Гулистон	99,9	72,4	16,1	11,5
Ширин	14,0	10,2	2,3	1,6
Янгиер	24,9	18,1	4,0	2,9
туманлар				
Боёвут	23,3	16,9	3,8	2,7
Гулистон	15,0	10,9	2,4	1,7
Мирзаобод	24,3	17,6	3,9	2,8
Оқолтин	22,2	16,0	3,6	2,5
Сардоба	9,1	6,6	1,5	1,0
Сайхунобод	9,6	6,9	1,5	1,1
Сирдарё	31,3	22,6	5,0	3,6
Ховос	19,8	14,3	3,2	2,3

V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ [1)]

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра 2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан фойда солиғи тўлангунга қадар 27717,1 млн. сўм миқдорда фойда билан якунланди.

2019 йилнинг шу даврида фойда солиғи тўлангунга қадар 77863,4 млн.сўм зарар билан якунланган.

2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалар

	Фойда, зарар (+/-), млн. сўм	*2019 йилнинг январь-февралига нисбатан % да*
Жами	**27717,1**	**-**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1,3	108,0
Ишлаб чиқарадиган саноат	2798,4	87,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	25205,4	-
Қурилиш	167,2	167,4
Савдо	188,3	9,5р.б
Ташиш ва сақлаш	-696,3	-
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	-	-
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	20,3	133,5
Сув билан таъминлаш, канализация тизими,чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	32,5	108,0
Профессионал, илмий ва техник фаолият	-	-

[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

2020 йилнинг январь-февраль ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ (3445,0 млн. сўм), "Сирдарё мега люкс" МЧЖ (1315,2 млн. сўм), "Оқолтин дон маҳсулотлари " АЖ (206,6 млн. сўм) ҳамда "Бахт пахта тозалаш" АЖ (140,5 млн. сўм) корхоналарига тўғри келади.

Фойданинг камайишига асосан “Гулистон экстракт-ёғ” АЖ (499,2 млн. сўм), "Сирдарё вино" АЖ (95,0 млн. сўм), "Гулистон нефт базаси" МЧЖ (940,3 млн. сўм) ҳамда Янгиер туманлараро “Агрокимёҳимоя” минерал ўғитлар базаси (18,2 млн. сўм) корхоналарида кузатилган.

2020 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалар

	Фойда, зарар (+/-), млн. сўм	*2019 йилнинг январь-февралига нисбатан % да*
Сирдрё вилояти	**27717,1**	**-**
шаҳарлар:		
Гулистон	359,4	29,1
Ширин	21447,8	-
Янгиер	3445,0	4,7 мк
туманлар:		
Боёвут	50,0	63,9
Гулистон	25,0	165,4
Мирзаобод	125,2	161,8
Оқолтин	101,6	99,2
Сардоба	125,7	52,3
Сайхунобод	1271,5	59,8
Сирдарё	607,9	73,6
Ховос	158,0	3,2 мк

Ҳудудлар кесимида фойда солиғини тўлангунга қадар Ширин (21447,8 млн. сўм), Янгиер (3445,0 млн. сўм) ва Гулистон (359,4 млн. сўм) шаҳарлари ҳамда Сайхунобод (1271,5 млн. сўм), Сирдарё (607,9 млн. сўм), Ховос (158,0 млн. сўм) ва Сардоба (125,7 млн. сўм) туманлари фойда билан якунлади.

Зарарлар. 2020 йилнинг январь-февраль ойларида 4 та корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятларини 1509,1 млн. сўм зарар билан якунлади. Зарарнинг асосий қисми “Йўлрефтранс” АЖ – 598,3 млн. сўм (вилоят бўйича жами зарардаги улуши 39,6 %), “Сирдарё Дори-дармон” МЧЖ – 463,5 млн. сўм (30,7 %), “Инзим текс” МЧЖ – 346,0 млн сўм (22,9 %), Ўзбекистон почтаси ОАЖ – 101,3 млн.сўм (6,7 %) корхоналарига тўғри келади.

2020 йилнинг январь-февралида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	*Зарар суммаси*	
		млн. сўм	*жамига нисбатан % да*
Жами	**4**	**1509,1**	**100,0**
Ташиш ва сақлаш	2	699,6	46,4
Савдо	2	809,5	53,6

2020 йилнинг январь-февралида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари
(жамига нисбатан % да)



Зарарларнинг асосий қисми Савдо – 809,5 млн. сўм (жами зарарнинг 53,6 %), ташиш ва сақлаш – 699,6 млн. сўм (46,4 %) корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

2020 йилнинг январь-февралида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	*Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да*	*Зарар суммаси, млн. сўм*
Сирдарё вилояти	**4**	**100,0**	**1509,1**
Гулистон ш	2	37,4	564,8
Сирдарё т	2	62,6	944,3

Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати[1)]

2020 йил 1 март ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 1703,3 млрд. сўмни, шундан муддати ўтган – 9,9 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 0,6 % ни ташкил қилди.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2019 йилнинг 1 мартига нисбатан солиштирганимизда 1,1 млрд. сўм (9,7 %)га камайган.

2020 йил 1 март ҳолатига ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги

	Дебитор қарздорлик, млрд.сўм	*шундан муддати ўтгани*	*Муддати ўтган қарздорлик улуши, %да*
Сирдарё вилояти	**1 703,3**	**9,9**	**0,6**
шаҳарлар:			
Гулистон	97,2	5,7	5,9
Ширин	860,1		
Янгиер	192,4		
туманлар:			
Оқолтин	1,5	0,1	6,7
Боёвут	56,6	0,6	1,1
Сайхунобод	139,1		
Гулистон	7,6	0,2	2,6
Сардоба	111,8	0,8	0,7
Мирзаобод	10,7	0,3	2,8
Сирдарё	170,9	2,2	1,3
Ховос	55,4		

[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

Ҳудудлар кесимида дебитор қарздорликнинг асосий қисми Ширин (860,1 млрд. сўм) ва Янгиер (192,4 млрд. сўм) шаҳарларида ҳамда Сирдарё (170,9 млрд. сўм), Сайхунобод (139,1 млрд. сўм) ва Сардоба (111,8 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2020 йил 1 март ҳолатига ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги *(млрд. сўм)*



2020 йил 1 март ҳолатига ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги

	Кредитор қарздорлик, млрд.сўм	*шундан муддати ўтгани*	*Муддати ўтган қарздорлик улуши, %да*
Сирдарё вилояти	**1888,7**	**3,4**	**0,2**
шаҳарлар:			
Гулистон	160,4		
Ширин	689,7		
Янгиер	211,6		

	Кредитор қарздорлик, млрд.сўм	*шундан муддати ўтгани*	*Муддати ўтган қарздорлик улуши, %да*
туманлар:			
Оқолтин	81,2	1,9	2,3
Боёвут	191,9		
Сайхунобод	168,9		
Гулистон	51,2	0,1	0,2
Сардоба	163,0	0,9	0,6
Мирзаобод	10,3		
Сирдарё	129,7	0,5	0,4
Ховос	30,8		

2020 йил 1 март ҳолатига ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги *(млрд. сўм)*



Ҳудудлар кесимида **кредитор** қарздорликнинг асосий қисми Ширин (689,7 млрд. сўм) ва Янгиер (211,6 млрд. сўм) шаҳарларида ҳамда Боёвут (191,9 млрд. сўм), Сайхунобод (168,9 млрд. сўм) ва Сардоба (163,0 млрд. сўм) туманларига тўғри келади.

2020 йил 1 март ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	*ундан:*			*Муддати ўтган қарздор-ликнинг улуши, % да*
		харидор ва буюртма-чилар	*етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар*	*ички идора вий*	
Жами	**9,9**	**6,5**	**3,1**	**-**	**100,0**
Ишлаб чиқарадиган саноат	3,9	0,8	3,1	-	39,3
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	5,7	5,7	-	-	57,6
Савдо	0,01	-	0,01	-	0,1
Профессионал, илмий ва техник фаолият	0,3	-	-	-	3,0

2020 йил 1 март ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги *(жамига нисбатан % да)*



Энг кўп **дебитор қарздорлик** "Иссиқлик электр станциялари" АЖ – 837,9 млрд. сўм (вилоят бўйича жами қарздорликдаги улуши 49,2 %), "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ – 192,4 млрд. сўм (11,3 %), “Ўздонмаҳсулот” АК –

102,8 млрд. сўм (6,0 %), “Ўзпахтасаноат” АЖ – 46,8 млрд. сўм (2,7 %), "Ўзбекнефтегаз" АЖ – 27,8 млрд. сўм (1,6 %), “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги" – 10,3 млрд. сўм (0,6 %) ва бошқалар – 480,0 млрд. сўм (28,2 %) кузатилмоқда.

2020 йил 1 март ҳолатига **кредитор қарздорликнинг** умумий ҳажми 1888,7 млрд. сўм, шундан муддати ўтган – 3,4 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 0,2 % ини ташкил этди.

2020 йил 1 март ҳолатига вазирлик ва идораларнинг кредитор қарздорлиги*(жамига нисбатан % да)*

Энг кўп кредитор қарздорлик "Иссиқлик электр станциялари" АЖ – 687,7 млрд. сўм (вилоят бўйича жами қарздорликдаги улуши 36,4 %), "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ – 211,6 млрд. сўм, (11,2 %), “Ўзпахтасаноат” АЖ – 316,9 млрд. сўм (16,8 %), "Ўзбекнефтегаз" АЖ – 47,9 млрд. сўм (2,5 %), “Сув хўжалиги вазирлиги" – 43,2 млрд. сўм, (2,3 %), “Ўздонмаҳсулот” АК – 31,1 млрд. сўм (1,6 %) ва бошқалар – 528,8 млрд, сўм (28,0 %) кузатилмоқда.

2020 йил 1 март ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	*ундан:*				*Муддати ўтган қарздор-ликнинг улуши, % да*
		етказиб берувчилар ва пудрат-чиларга	*олинган аванслар*	*бюджетга тўловлар бўйича қарз*	*ички идора-вий*	
Жами	**3,4**	**3,4**	**0,01**	**-**	**-**	**100,0**
Савдо	0,003	0,001				0,1
Ишлаб чиқарадиган саноат	3,4	3,4	0,01	-	-	99,9

Алоҳида хўжалик бошқарув органларининг дебитор ва кредитор қарздорлиги

(млрд. сўм)



Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторлик қарздорликка нисбатан қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

	Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши	
	млрд. сўм	***дебиторга нисбатан % да***
“Ўзпахтасаноат” АЖ	270,1	677,2
Худудгазтаъминот АЖ	1,3	533,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	42,1	3927,3

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши “Ўзпахтасаноат” АЖ-270,1 млрд. сўм (6,8 б.), Худудгазтаъминот АЖ –1,3 млрд. сўм (5,3 б.), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги – 42,1 млрд. сўмга (39,3 б.) кузатилди.

VI. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

2020 йилнинг январь-мартида 1003 та кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27,1 фоизга кўп демакдир.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар иқтисодий фаолият турлари бўйича савдо соҳасида (48,2 %), саноат тармоғида (16,8 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (14,9 %), қурилиш тармоғида (6,3 %), яшаш ва овқатланишда (5,9 %), ташиш ва сақлашда (1,2 %) ва бошқалар (5,0 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

2020 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да

2020 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари

	Ўлчов бирлиги	*2019 й.*	*2020 й.*	*(+,-)*
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони	**бирлик**	**8977**	**11752**	**2775**
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар	**бирлик**	**789**	**1003**	**214**
ЯҲМ	%	59,3	59,3	0,0
Саноат	%	34,0	36,3	2,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	%	99,4	99,3	-0,1
Инвестиция	%	64,2	59,2	-5,0
Қурилиш	%	96,5	97,0	0,5
Савдо	%	95,6	96,1	0,5
Хизматлар	%	60,3	55,9	-4,4
Юк ташиш	%	91,8	92,8	1,0
Юк айланмаси	%	92,9	94,8	1,9
Йўловчи ташиш	%	97,8	97,6	-0,2
Йўловчи айланмаси	%	98,6	98,3	-0,3
Экспорт	%	88,2	67,0	-21,2
Импорт	%	67,5	70,5	3,0

Ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар, *бирликда*

	2019 йил январь–март	*2020 йил январь–март*
Сирдарё вилояти	**789**	**1003**
шаҳарлар:		
Гулистон	186	208
Ширин	14	26
Янгиер	52	64
туманлар:		
Оқолтин	40	142
Боёвут	69	95
Сайхунобод	52	76
Гулистон	62	66
Сардоба	49	71
Мирзаобод	69	97
Сирдарё	153	109
Ховос	43	49

2020 йил январь-март ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар ҳудудлар бўйича энг кўп Гулистон шаҳрига–208 та, Оқолтин туманига–142 та, Сирдарё туманига–109 та, Мирзаобод туманига–97 та, Боёвут туманига–95 та, Сайхунобод туманига–76 та тўғри келди. Сардоба, Гулистон, Ховос туманлари ва Янгиер шаҳарида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 71–49 тани ташкил этган. Энг паст кўсаткични Ширин шаҳри–26 тани ташкил этади.

2020 йил январь-март ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши, % да



2020 йил январь–март ойларида ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Гулистон шаҳарда (20,7 %), Оқолтин (14,2 %), Сирдарё (10,9 %), Мирзаобод (9,7 %) ва Боёвут (9,5 %), туманларида, энг паст кўрсаткич эса Ширин (2,6 %) шаҳрида кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар, *бирликда*

	2019 й. январь–март	*2020 й. январь–март*
Жами	**789**	**1003**
Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	3	7
Ахборот ва алоқа	3	10
Ташиш ва сақлаш	19	12
Бошқа турдаги хизматлар	39	51
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	109	59
Қурилиш	98	63
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	74	149
Саноат	171	169
Савдо	273	483

2020 йил январь-мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп ***савдода*** *483 та, шунингдек :*

саноатда *- 169 та;*
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида *- 149 та;*
қурилишда *- 63 та;*
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда *- 59 та;*

Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар, *бирликда*

	2019 й. январь–март	*2020 й. январь–март*	*Фарқ(+,-)*
Гулистон ш	186	208	22
Оқолтин	40	142	102
Мирзаобод	69	97	28
Боёвут	69	95	26
Сайхунобод	52	76	24
Сардоба	49	71	22

2020 йил январь–март ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича энг юқори ўсиш Гулистон шаҳрида–22 та, Оқолтин туманида–102 та, Мирзаобод туманида–28 та, Боёвут туманида–26 та, Сайхунобод туманида–24 та ва Сардоба туманида–22 тани ташкил этди.

Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар, *бирликда*



2020 йилнинг январь–мартида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг кўп кўрсаткич Гулистон (38,5 бирликда) ва Янгиер (20,4 бирликда) шаҳарларида ҳамда, Сайхунобод (19,8 бирликда), Гулистон (19,3 бирликда), Оқолтин (19,8 бирликда), Мирзаобод (18,4 бирликда), Сирдарё (17,1 бирликда) туманларида кузатилди. Ўртача кўрсаткич 15,4–13,7 бирлик оралиғида Сардоба, Ховос туманлари ва Ширин шаҳрида аниқланди. Боёвут туманида 11,9 бирликда ушбу кўрсаткич энг паст бўлиб қолмоқда.

2020 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони *(ҳар 1000 аҳолига, бирликда)*.



Агар, 2019 йилнинг январь–мартида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига) 18,6 бирликни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 18,9 бирликка етди ва 2019 йилга нисбатан 0,3 бирликка юқори бўлди.

Январь–март ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда;)



Қуйида, 2020 йилнинг январь–мартида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг саноатдаги улуши 36,3 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 99,3 %, қурилишда – 97,0 %, инвестицияда – 59,2 %, савдода – 96,1 %, экспортда – 67,0 %, импортда – 70,5 % ва хизматлар соҳасидаги – 55,9 % улуши кўрсатилган.

2020 йилнинг январь-мартида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг улуши тузилиши

2020 йил январь–мартида кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимида улуши, %

	Саноат	*Қурилиш*	*Хизматлар*	*Инвестиция*
Сирдарё вилояти	**36,3**	**97,0**	**55,9**	**59,2**
шаҳарлар:				
Гулистон	84,0	95,4	28,7	69,7
Ширин	0,6	100,0	93,7	2,8
Янгиер	52,0	100,0	97,4	89,0

	Саноат	*Қурилиш*	*Хизматлар*	*Инвестиция*
туманлар:				
Оқолтин	30,8	97,2	92,2	77,8
Боёвут	100,0	98,9	87,9	86,0
Сайхунобод	68,9	99,8	80,4	93,0
Гулистон	35,5	99,8	96,2	87,7
Сардоба	65,3	99,9	90,8	96,3
Мирзаобод	54,6	89,9	95,1	94,7
Сирдарё	67,6	99,8	96,2	64,2
Ховос	52,5	96,2	95,1	85,7

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улуши Боёвут туманида (100,0 %), Гулистон шаҳарда (84,0 %) ва Сайхунобод (68,9 %) туманларига тўғри келади.

Шу билан бирга,

– қурилиш ишларида Янгиер (100,0 %), Ширин (100,0 %) шаҳарлари ҳамда Сардоба (99,9 %), Сайхунобод (99,8 %) ва Сирдарё (99,8 %) туманлари;

– хизматлар соҳасида Янгиер шаҳри (97,4 %), Гулистон (96,2 %), Сирдарё (96,2 %), Ховос (95,1 %) ва Мирзаобод (95,1 %) туманлари;

– инвестицияда Сардоба (96,3 %), Мирзаобод (94,7 %), Сайхунобод (93,0 %) ва Янгиер (89,0 %) шаҳарлари ҳиссасига тўғри келади.

2020 йилнинг январь–мартида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 740,6 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 36,3 %) ёки 2019 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 111,3 % ни;

– 627,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 59,2 %) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 126,8 % ни;

– 284,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 97,0 %) бажарилди ва 2019 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 101,6 % ни;

– 407,1 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (вилоят жами хизматлар хажмининг 55,9 %), 2019 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 105,7 % ни;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 96,1 % ёки 729,0 млрд. сўмни (ўсиш 101,8 % ни) ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 18,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 67,0 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2019 йилга нисбатан 4,4 млн. АҚШ долларига ёки 33,0 % га кўп;

Автомобил транспорти юк айланмасининг 94,8 % га (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 79,6 %) кўпайиши, шу билан бирга, йўловчи айланмасининг эса 98,3 % га (умумий йўловчи айланмасининг 78,7 %) кўпайиши таъминланди.

Кичик тадбиркорликнинг улуши
(умумий ҳажмига нисбатан % да)



Кичик тадбиркорликнинг махсулот (товар, хизмат)лар жами экспорти ҳажмидаги улуши, %



2020 йил январь–март ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг экспорт (товар, хизмат)лар жами экспортидаги энг кўп улуши Ширин шаҳри - 100,0 %, Оқолтин тумани – 100,0 %, Сайхунобод тумани - 100,0 %, Ховос тумани - 100,0 %, Янгиер шаҳри - 99,8 %, Боёвут тумани - 99,7 %, Мирзаобод тумани – 98,5 %, Сардоба тумани - 98,2 %, Гулистон тумани - 96,0 %, Сирдарё тумани - 66,5 %, энг паст кўрсаткични Гулистон шаҳрида - 58,2 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Сирдарё туманида (238,1 млрд. сўм), Гулистон шаҳарда (176,4 млрд. сўм), Боёвут (81,0 млрд. сўм) ва Сайхунобод (53,5 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга, Ширин (5,6 млрд. сўм) шаҳри ва Гулистон (17,2 млрд. сўм) туманида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2020 йил январь–март ойларида жами саноат махсулотидаги кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, %



Худудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами саноат махсулотидаги энг юқори улуши Боёвут тумани (100,0 %), Гулистон шаҳри (84,0 %), Сайхунобод тумани (68,9 %), Сирдарё тумани (67,6 %), Сардоба тумани (65,3) ҳамда Мирзаобод тумани (54,6 %), Ховос тумани (52,5 %), Янгиер шаҳрига (52,0 %) тўғри келмоқда. Шу билан бирга, Ширин (0,6 %) шаҳрида кичик тадбиркорликнинг улуши паст бўлиб қолмоқда.

2020 йил январь–мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича чакана товар айланмаси ҳажми асосан Гулистон шаҳри (240,9 млрд. сўм), Сирдарё тумани (121,1 млрд. сўм), Мирзаобод тумани (63,0 млрд. сўм), Янгиер шаҳри (62,0 млрд. сўм), Сардоба (54,5 млрд. сўм) ва Сайхунобод (39,0 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2020 йил январь–мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Гулистон шаҳри (95,4 млрд. сўм), Сирдарё тумани (31,2 млрд. сўм), Янгиер шаҳри (24,9 млрд. сўм), Боёвут тумани (23,1 млрд. сўм), Мирзаобод тумани (21,8 млрд. сўм), Оқолтин тумани (21,5 млрд. сўм), Ховос тумани (19,0 млрд. сўм) ва Гулистон (15,0 млрд. сўм) туманларида қайд этилди.

2020 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Сирдарё тумани (77,9 млрд. сўм), Янгиер шаҳри (49,7 млрд. сўм), Мирзаобод тумани (32,0 млрд. сўм) ва Гулистон (25,2 млрд. сўм) шаҳар ҳиссасига тўғри келади.

2020 йилнинг январь–мартида янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши



Иқтисодий фаолияти турлари бўйича 2020 йил I–чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 120 тадан ортиқ респондентлар иштирок этди. Улардан саноат корхоналари – 14 та (иштирок этган респондентларнинг умумий сонидан 11,7 %), қурилиш – 6 та (5,0 %), савдо – 67 та (55,8 %), хизматлар соҳаси – 15 та (12,5 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги корхоналари – 18 та (15,0 %) ни ташкил қилди.

2020 йилнинг январь–мартида янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

Ҳудудлар кесимида жами иштирок этган янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарнинг энг кўп улуши Гулистон шаҳрида – 15,8 % (19 та), Боёвут туманида – 14,2 % (17 та), Оқолтин туманида – 14,2 % (17 та), Мирзаобод туманида – 10,0 % (12 та), Ховос туманида – 9,2 % (11 та), Сайхунобод туманида – 9,2 % (11 та), Янгиер шаҳрида – 8,3 % (10 та) ни ташкил қилди.



Иқтисодий вазиятни баҳолаш 2020 йил I – чорак учун, %

Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 16,7 %и иқтисодий вазиятни қулай ва 33,3 % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида – 20,9 % ва 59,7 %, хизматлар соҳасида – 20,0 % ва 73,3 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 11,2 % ва 44,4 %, саноатда – 21,5 % ва 57,1 % ни ташкил қилганини кўрсатди.



Иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 44,4 %, саноатда – 21,4 %, қурилиш – 50,0 %, савдо – 19,4 %, хизматлар соҳасида – 6,7 % ни ташкил қилди.

Саноат корхоналарининг – 50,0 %и, савдо – 59,7 %, хизматлар – 40,0 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 50,0 % ҳамда қурилиш тармоғининг – 66,7 % и **яқин** уч ойда **иқтисодий вазият яхшиланишини** кутмоқдалар.

Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, %

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Юридик шахс – ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Якка тартибдаги тадбиркорлик – жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

Корхонани фаолитини таҳлил қилиш –унинг асосида корхона фаолиятини хар томонлама ўрганиш. Натижада, маълумот тўплашнинг маълум усулларидан фойдаланиш орқали корхона фаолиятини бахолаш ва заиф томонларини аниқлаш учун керакли маълумотларни олиш.

Чакана савдо – бу охирги фойдаланувчиларга товарлар ва хизматлар сотиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Улгуржи савдо – бу катта миқдордаги товарларни сотишни ўз ичига олган иқтисодий фаолият.

Товарларни реализация қилиш – махсулотни самарали сотишга қаратилган ишлаб чиқарувчи томонидан амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

Реклама – бу харидорларнинг кенг доираси ўртасида махсулот тўғрисида маълумотни самарали тарқатиш усулига асосланган реклама воситасининг коммуникатив шакли.

Таваккалчилик – келажакда ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишда, қарор қабул қилишда мумкин бўлган йўқотишлар.

Бозор – бу савдо операцияларини амалга ошириш муносабати билан турли шахслар ўртасида шаклланадиган муносабатлар тизими.

VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 14903 тага етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3048 тага ёки 25,7 % ошган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги "Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тақдим этилган билдиришномага асосан Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

	01.04.2019 йил		01.04.2020 йил	
	Умумий сони	жамига нисбатан % да	Умумий сони	жамига нисбатан % да
Жами	**11855**	**100**	**14903**	**100**
шундан				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1463	12,3	1901	12,8
саноат	1497	12,6	1985	13,3
қурилиш	1132	9,5	1418	9,5
савдо	3172	26,8	4484	30,1
ташиш ва сақлаш	604	5,1	628	4,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	722	6,1	929	6,2
ахборот ва алоқа	166	1,4	195	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	133	1,1	162	1,1
бошқа турлар	2966	25,1	3201	21,5

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми яъни 30,1 %и савдо, 13,3 %и саноат, 9,5 %и қурилиш, 12,8 %и қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,2 %и яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,2 %и ташиш ва сақлаш, 1,3 %и ахборот ва алоқа соҳасида, 1,1 %и соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда ва 21,5 %и бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг сонида энг кўпи Гулистон (4328) шаҳри ҳамда Сирдарё (2208), Сайхунобод (1197) ва Боёвут (1171) туманларига тўғри келди, шу билан бирга, энг камлари Ширин (352) шаҳри ҳамда Оқолтин (806) ва Сардоба (661) туманларида кузатилди.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг худудлар бўйича тақсимланиши, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

	01.04.2019 йил		*01.04.2020 йил*	
	Умумий сони	*жамига нисбатан % да*	*Умумий сони*	*жамига нисбатан % да*
Вилоят бўйича	**11855**	**100**	**14903**	**100**
шаҳарлар:				
Гулистон	3653	30,8	4328	29,0
Ширин	273	2,3	352	2,4
Янгиер	867	7,3	1064	7,1
туманлар:				
Боёвут	912	7,7	1171	7,9
Гулистон	904	7,6	1127	7,6
Мирзаобод	870	7,3	1185	8,0
Оқолтин	488	4,1	806	5,4
Сардоба	458	3,9	661	4,4
Сайхунобод	960	8,2	1197	8,0
Сирдарё	1887	15,9	2208	14,8
Ховос	583	4,9	804	5,4

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони 13921 тани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 2888 та (26,2 %) га ошган.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 93,4 % ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 6,6 % ни ташкил этиб, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослаганда 1,0 % кўпайган.

Фаолият кўрсатаётган ва фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва ташкилотлар улуши, %



Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 29,9 %и савдо, 13,4 %и саноат, 9,7 %и қурилиш, 12,5 %и қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,2 %и яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,0 %и ташиш ва сақлаш, 1,3 %и ахборот ва алоқа, 1,1 %и соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва 21,9 %и бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сонида энг кўпи Гулистон (4017 та) шаҳри ҳамда Сирдарё (1990 та), Сайхунобод (1169 та) ва Боёвут (1076 та) туманларида ташкил этгани ҳолда, ушбу йўналишда Ширин (323 та) шаҳри ҳамда Сардоба (639 та) ва Оқолтин (751 та) туманларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.

Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони, бирликда

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2020 йил январь–март ойларида 1032 та корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 26,5 фоизга ошган. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Гулистон (220 та) шаҳрида ҳамда Сирдарё (115 та), Оқолтин (143 та) туманлари ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, Ширин (27 та) шаҳар ҳамда Гулистон (67 та) ва Ховос (51 та) туманларида ташкил этиш кўрсаткичи паст даражада.

Ҳудудлар кесимида янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

Агарда янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, уларнинг асосий қисми савдо (484 та), саноат (169 та), қурилиш (63 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (149 та) тармоқларида янги ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (7 та), ахборот ва алоқа (10 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (12 та) фаолият турларига тўғри келган.

Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

	01.04.2018 й.		*01.04.2019 й.*		*01.04.2020 й.*	
	умумий сони	улуши, %	умумий сони	улуши, %	умумий сони	улуши, %
Жами вилоят бўйича	**396**	**100**	**816**	**100**	**1032**	**100**
Савдо	106	26,8	273	33,5	484	46,9
Саноат	65	16,4	171	21,0	169	16,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	76	19,2	74	9,1	149	14,4
Қурилиш	45	11,4	98	12,0	63	6,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	26	6,6	109	13,3	59	5,7
Ташиш ва сақлаш	11	2,8	19	2,3	12	1,2
Ахборот ва алоқа	4	1,0	3	0,4	10	1,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	4	1,0	3	0,4	7	0,7
Бошқа турлар	59	14,8	66	8,0	79	7,6

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2020 йил 1 апрель ҳолатига 11803 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 2949 та, оилавий корхоналар – 275 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 8282 та ва бошқалар –297 тани ташкил этган.

Тижорат шаклидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Гулистон (3514 та), Янгиер (876 та) шаҳарлари ҳамда Сирдарё (1731 та) ва Сайхунобод (996 та) туманларида ташкил этган бўлса, аксинча, Ширин (260 та) шаҳри, Сардоба (491 та) ва Ховос (583 та) туманларида корхоналар ва ташкилотларнинг сони камлиги кузатилди.

Ташкилий ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналарининг сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2020 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 168 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 51 тага ёки 43,6 % га ўсган. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 110 таси қўшма, 58 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Сирдарё туманида 53 тани (жамидаги улуши 31,5 %) ва Гулистон шаҳарда 38 тани (22,6 %) ташкил этган. Энг ками Ширин шаҳрида 5 тани (3,0 %) ҳамда Гулистон туманида 4 тани (2,4 %), Оқолтин туманида 4 тани (2,4 %) ташкил этади.

Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалий ишларни янада жонлантириш ҳамда ривожлантириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ҳудудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони, бирликда

	Корхоналар сони	*Жамига нисбатан улуши, %*
Вилоят бўйича	**168**	**100,0**
шаҳарлар:		
Гулистон	38	22,6
Ширин	5	3,0
Янгиер	20	11,9
туманлар:		
Боёвут	7	4,2
Гулистон	4	2,4
Мирзаобод	10	5,9
Оқолтин	4	2,4
Сардоба	7	4,2
Сайхунобод	12	7,1
Сирдарё	53	31,5
Ховос	8	4,8

Агар 2020 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи саноатда 105 та (жамига нисбатан улуши 62,5 %), савдода 27 та (16,1 %) ни ташкил қилган. Энг камлари эса яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1 та (0,6 %), ахборот ва алоқа 2 та (1,2 %) ни ташкил қилган.

Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолияти, энг кам улуши эса ахборот ва алоқа ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар турлари ҳиссаларига тўғри келган.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Корхоналар сони	*Жамига нисбатан улуши, %*
Жами	**168**	**100**
шу жумладан:		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	14	8,3
саноат	105	62,5
қурилиш	10	5,9
савдо	27	16,1
ташиш ва сақлаш	6	3,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1	0,6
ахборот ва алоқа	2	1,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	-	-
бошқа турлар	3	1,8

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ўсиш динамикаси, бирликда

2020 йилнинг январь-март ойларида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 9 тани ташкил қилди. Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 3 та, Туркия Республикаси – 2 та, Қозоғистон Республикасида -1 та, Тожикистон Республикасидан – 1 та ҳамда 2 таси бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимида улуши, %
(2020 йил январь-март ойларида)



Янги (9 та) ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Гулистон шаҳарда (2 та),Сайхунобод (2 та) тумани ҳиссаларига тўғри келди. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган ҳудудлар қаторига Ширин шаҳри (1та), Оқолтин (1та), Сардоба (1та), Боёвут (1та), Ховос (1та) туманлари киради.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш динамикаси, бирликда.

	2019 йил январь-март		*2020 йил январь-март*	
	Жами	*Умумий сонига нисбатан, %*	*Жами*	*Умумий сонига нисбатан, %*
Жами	**10**	**100**	**9**	**100**
саноат	6	60,0	4	44,5
савдо	2	20,0	3	33,3
қурилиш	2	20,0	-	-
ахборот ва алоқа	-	-	-	-
ташиш ва сақлаш	-	-	-	-
қишлоқ,ўрмон ва балиқ хўжалиги	-	-	2	22,2

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини кенгайтиришда етарли даражада ишлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли, айрим ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб қилишда беқарорлик сақланиб қолмоқда.

Шунингдек, 2020 йил 1 апрель ҳолатига хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони 7 та бўлиб, улар Гулистон (1 та) шаҳрида, Сирдарё (4 та), Мирзаобод ва Сайхунобод (1 тадан) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

2020 йил 1 апрель ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 11752 тани (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 30,9 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 3495 таси (29,7 %) Гулистон шаҳри, 1723 таси (14,8 %) Сирдарё тумани, 992 таси (8,4 %) Сайхунобод тумани ҳамда 964 таси (8,2 %) Мирзаобод тумани ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг ками Ширин шаҳрида 257 та (2,2 %), Сардоба туманида 489 та (4,2 %) ҳамда Ховос туманида 580 та (4,9 %) ни ташкил этган.

Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

	01.04.2019 йил ҳолатига		***01.04.2020 йил ҳолатига***	
	Жами (бирликда)	***жамига нисбатан % да***	***Жами (бирликда)***	***жамига нисбатан % да***
Вилоят бўйича	**8977**	**100**	**11752**	**100**
шаҳарлар:				
Гулистон	2962	33,0	3495	29,7
Ширин	185	2,1	257	2,2
Янгиер	683	7,6	875	7,4
туманлар:				
Боёвут	647	7,2	842	7,2
Гулистон	590	6,6	909	7,7
Мирзаобод	659	7,3	964	8,2
Оқолтин	333	3,7	626	5,3
Сардоба	301	3,4	489	4,2
Сайхунобод	763	8,5	992	8,4
Сирдарё	1482	16,5	1723	14,8
Ховос	372	4,1	580	4,9

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 11752 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 4150 таси (35,3 %) савдо, 1839 таси (15,7 %) саноат, 1342 таси (11,4 %) қурилиш, 1725 таси (14,7 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 861 таси (7,3 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 560 таси (4,8 %) ташиш ва сақлаш, 174 таси (1,5 %) ахборот ва алоқа, 111 таси (0,9 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 990 таси (8,4 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади.

Энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига Ширин шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 9,5 % ни (27 та) ташкил қилган. Сирдарё туманида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонида 9,8 % ни (188 та) ташкил қилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 67 тага ўсган.

2020 йил январь-март ойларида 1003 та кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 27,1 фоизга кўпроқдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Гулистон шаҳри (208 та), Оқолтин (142 та), Сирдарё (109 та), Боёвут (95 та) ва Мирзаобод (97 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Энг кам Ширин шаҳри (26 та) ва Ховос (49 та) туманида ташкил этилган.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Агарда иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи савдода 483 та, саноатда 169 та, қурилишда 63 та хамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 149 та ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатишда 7 та, ахборот ва алоқада 10 та ҳамда ташиш ва сақлашда 12 та ташкил этилган.

Оилавий корхоналар. 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 298 тани ташкил этиб, улардан
275 таси ёки 92,3 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганлар ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртача 52,4 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда.



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 44,7 %и ёки 123 таси саноат, 14,6 %и ёки 40 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 14,9 %и ёки 41 таси савдо, 20,4 %и ёки 56 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 0,7 %и ёки 2 таси ташиш ва сақлаш, 0.7%и ёки 2 таси қурилиш, 0,4 %и ёки 1 таси ахборот ва алоқа ҳамда 3,6 %и ёки 10 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарниг 2020 йил 1 апрель ҳолатига энг кўпи саноат ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари, энг ками эса ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа каби фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

2020 йилнинг январь-март ойларида жами 78 та корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тугатган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 тага камайган.

Албатта хўжалик юритувчи субъектларнинг бугунги кун талабларига мослашиши ва рақобатбардошлигини ошириш борасида юртимизда талайгина ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб, қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда корхоналарнинг бугунги кун бозорига мослашиш даражаси ортиб бормоқда. Мисол тариқасида 2018 йил 116 та, 2019 йил 82 та корхоналар ва ташкилотлар ўз фаолиятини якунлаган бўлса, 2020 йил январ-март ойларида ушбу кўрсаткич 78 тани ташкил этган.

Янги ташкил этилган ва тугатилган корхоналар ва ташкилотлар динамикаси, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Агарда тугатилган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича қарайдиган бўлсак, 39,7 %и ёки 31 таси савдо, 10,3 %и ёки 8 таси саноат, 17,9 %и ёки 14 таси қурилиш, 12,8 %и ёки 10 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1,3 %и ёки 1 таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 6,4 %и ёки 5 таси ташиш ва сақлаш, 1,3 %и ёки 1 таси ахборот ва алоқа, 1,3 %и ёки 1 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлари ҳамда 9,0 %и ёки 7 таси бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, тугатилган корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ташиш ва сақлаш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.

Тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

	2019 йил январь-март ойларида		*2020 йил январь-март ойларида*		
	Жами	*Жамига нисбатан улуши, %*	*Жами*	*Жамига нисбатан улуши, %*	*фарқи, (+,-)*
Жами	**82**	**100**	**78**	**100**	**-4**
шундан:					
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	8	9,8	10	12,8	2
саноат	8	9,8	8	10,3	-
қурилиш	6	7,3	14	17,9	8
савдо	29	35,4	31	39,7	2
ташиш ва сақлаш	4	4,9	5	6,4	1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	7	8,5	1	1,3	-6
ахборот ва алоқа	2	2,3	1	1,3	-1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	-	-	1	1,3	1
бошқа турлар	18	22,0	7	9,0	-11

2020 йил январь-март ойларида 77 та кичик тадбиркорлик субъектлари тугатилган. Уларнинг асосий қисми 31 таси (40,3 %) савдо, 8 таси (10,4 %) саноат, 14 таси (18,2 %) қурилиш, 10 таси (13,0 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1 таси (1,3 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 5 таси (6,5 %) ташиш ва сақлаш, 1 таси (1,3 %) ахборот ва алоқа, 1 таси (1,3 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда 6 таси (7,7 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

Тугатилган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

Тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш натижасида ҳудудларда ҳам тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Ушбу йўналишда асосан Сирдарё туманида -12 та, Боёвут туманида -3 та, ҳамда Янгиер шаҳрида-9 та кичик корхона ва микрофирмалар 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан кам тугатилганлигини статистик рақамларда кўришимиз мумкин.

Ҳудудлар кесимида фаолияти тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

	Январь-март ойларида		***фарқи (+,-)***
	2019 й.	***2020 й.***	
Вилоят бўйича	**70**	**77**	**7**
шаҳарлар:			
Гулистон	20	23	3
Ширин			
Янгиер	13	4	-9
туманлар:			
Боёвут	6	3	-3
Гулистон	1	7	6
Мирзаобод		2	2
Оқолтин	2	2	
Сардоба			
Сайхунобод	3	23	20
Сирдарё	25	13	-12
Ховос			

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри – ахборот маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

Рўйхатга олинган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тугатилган юридик шахслардан ташкари).

Фаолият кўрсатаётган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда давлат статистика органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

Фаолият кўрсатмаётган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ёки белгиланган муддатда устав жамғармаларини шакллантирмаган ҳамда тугатиш жараёнида бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган юридик шахслар.

Янги ташкил этилган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

Фаолияти тугатилган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан юридик шахсларнинг давлат реестрига юридик шахсни тугатилганлиги тўгрисидаги ёзув киритилгандан сўнг бу ҳақда давлат статистика органларига маълумот тақдим этилган юридик шахслар.

Юридик шахсларнинг фаоллик даражаси - маълум бир даврда фаолият кўрсатмаётган юридик шахсларнинг жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Юридик шахсларнинг янги ташкил этилганлик даражаси - маълум бир давр оралиғида ташкил этилган юридик шахсларнинг жами фаолият кўрсатаётан юридик шахсларга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Кичик корхона ва микрофирмалар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар - норезидентлар иштирокидаги корхоналар, хорижий юридик шахслар (хорижий фирмаларнинг филиаллари ва бўлимлари), корхонанинг устав фондида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этган корхоналар.

VIII. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, суғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмаганда унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2020 йил 1 апрель ҳолатига вилоятда 13921 та фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Шундан, хизматлар соҳасида 8968 та корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 23,5 % га кўпайди.

Хизматлар соҳасига тааллуқли фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

01.04.2020й.ҳолатига

Инновацион хизматларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга оширилиши ишлаб чиқарилган бозор хизматлар ҳажмини ошишига олиб келди. Натижада, 2020 йил январь-март ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми **728,2 млрд**. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **13,9 %** га ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш
(2020 йил январь-март ойлари учун)

	Млрд.сўм	*Ўсиш суръати, %*	*Жамига нисбатан %*
Хизматлар – жами	**728,2**	**113,9**	**100,0**
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	42,2	117,4	5,8
молиявий хизматлар	213,6	163,8	29,3
транспорт хизматлари	112,2	103,2	15,4
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	*105,5*	*103,6*	*14,5*
яшаш ва овқатланиш хизматлари	13,9	98,5	1,9
савдо хизматлари	195,5	95,8	26,9
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	17,4	100,9	2,4
таълим соҳасидаги хизматлар	34,9	98,1	4,8
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	11,8	120,8	1,6
ижара хизматлари	15,0	118,7	2,1
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	18,7	106,7	2,6
шахсий хизматлар	16,8	102,5	2,3
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	12,6	101,1	1,7
бошқа хизматлар	23,6	91,9	3,2

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида энг кўп молиявий хизматлари (213,6 млрд. сўм), савдо хизматлар (195,5 млрд. сўм) ва транспорт хизматлари (112,2 млрд. сўм) ташкил этди.

Энг кичик ҳажм соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (11,8 млрд. сўм), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (12,6 млрд. сўм), яшаш ва овқатланиш хизматлари (13,9 млрд. сўм) ҳамда ижара хизматларига (15,0 млрд. сўм) тўғри келди.

Ҳисобот даврида энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматларда (163,8 %), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларда (120,8 %), ижара хизматлари (118,7) ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларда (117,4 %) кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, %

(2020 йил январь-март ойлари учун)



Нисбатан пастроқ ўсиш суръатлари бошқа хизматлар (91,9 %), савдо хизматлари (95,8 %), таълим соҳасидаги хизматлар (98,1 %) ва яшаш ва овқатланиш хизматларида (98,5 %) кузатилди.

Хизматлар таркибида молиявий хизматлар (29,3 %), савдо хизматлари (26,9 %), транспорт хизматлари (15,4 %) ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (5,8 %) улуши устунлик қилди.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,6 %) ҳамда меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,7 %) га тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби

(жамига нисбатан фоизда, катта улушга эга бўлганлар)

(2020 йил январь-март ойлари учун)



2020-йил январь-март ойларида
иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби %



Сирдарё вилоятининг туман, шаҳарлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида етакчи ўринни Гулистон (423,8 млрд. сўм) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга, энг юқори ҳажм Янгиер (51,0 млрд. сўм) шаҳри ҳамда Сирдарё (81,1 млрд. сўм), Мирзаобод (33,6 млрд. сўм) ва Боёвут (27,7 млрд. сўм) туманларида кузатилди.

Сирдарё вилоятининг туман, шаҳарлари кесимида бозор хизматлари ишлаб чиқариш
(2020 йилнинг январь–март ҳолатига)

	млрд. сўм	*2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида*	*Туман, шаҳарларнинг улуши, фоиз ҳисобида*
Жами хизматлар	**728,2**	**113,9**	**100,0**
шаҳарлар:			
Гулистон	423,8	129,1	58,2
Ширин	8,7	104,8	1,2
Янгиер	51,0	105,7	7,0
туманлар:			
Оқолтин	15,8	105,6	2,2
Боёвут	27,7	99,9	3,8
Сайхунобод	20,2	55,4	2,8
Гулистон	21,2	105,4	2,9
Сардоба	18,6	91,0	2,6
Мирзаобод	33,6	107,9	4,6
Сирдарё	81,1	103,3	11,1
Ховос	26,5	105,6	3,6

Кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмидаги энг кичик ҳажм қуйидаги ҳудудлар, Ширин (8,7 млрд. сўм) шаҳри, Оқолтин (15,8 млрд. сўм), Сардоба (18,6 млрд. сўм) ва Гулистон (21,2 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Сирдарё вилоятининг туман, шаҳарлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида етакчи ўринни Гулистон (58,2 %) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга, Сирдарё тумани (11,1 %), Янгиер (7,0 %) шаҳри, Мирзаобод (4,6 %) ва Боёвут (3,8 %) туманларида энг юқори улуш кузатилди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %

(2020 йил январь-март ойлари учун)



Кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмидаги энг кичик улуш қуйидаги ҳудудлар Ширин (1,2 %) шаҳри, Оқолтин (2,2 %), Сардоба (2,6 %) ва Сайхунобод (2,8 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Ҳудудлар орасида юқори ўсиш суръатлари Гулистон (129,1 %) ва Янгиер (105,7 %) шаҳарлари ҳамда Мирзаобод (107,9 %) ва Ховос (105,6 %) туманларида кузатилди.

Ҳудудлар кесимида ишлаб чиқарилган хизматларнинг ўсиш суръати,%

(2020 йил январь-март ойлари учун)



Энг паст ўсиш суръатлари Сайхунобод (55,4 %), Сардоба (91,0 %) ва Боёвут (99,9 %) туманларида кузатилди.

Транспорт хизматларининг энг катта қисми автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш хизматлари ҳисобига тўғри келади.

2020 йил январь-март ойларида транспорт хизматларининг ҳажми 112,2 млрд. сўмга тенг бўлди. Уларнинг ўсиши 103,2 % ни ташкил этди.

Юқори ўсиш суръатлари Боёвут (112,0 %), Сайхунобод (103,7 %) туманларида ҳамда Янгиер (103,6 %) шаҳрида қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида транспорт хизматларининг ўсиш суръати, %

(2020 йил январь-март ойлари учун)



